

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.923:061.1EU

Жураев Аброр Туробович

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ИҚТИСОДИЙ – ИНВЕСТИЦИОН
ИМКОНияТЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ИҚТИСОДИЙ
ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.11 – Хорижий мамлакатлар иқтисоди

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2010

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Бекмуродов Адҳам Шарипович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Сирожиддинов Нишонбой

иқтисод фанлари номзоди
Исраилов Зиёйдин Абдурасулович

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат шарқшунослик
институтини**

Ҳимоя Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.15.02 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «_____» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100077, Тошкент, Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: 267-07-07.

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «_____» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди**

Ш.А. Хусайнов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон учун ўзининг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бўлган Европа Иттифоқи билан савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг ривожлантирилиши муҳим ўрин тутди. Ушбу омил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ҳамда нутқларида ҳам доимий равишда ифода этиб келинмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз Европа қитъасидаги Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз”¹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Европа Иттифоқи иқтисодиётининг асосий хусусиятлари, иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда ташқи савдо ҳамкорлигининг асосий йўналишларини ўрганиб чиқишга эҳтиёжни кучайтирди. Чунки, мазкур инқироз жаҳон иқтисодиётида салбий оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлиш билан бир қаторда, янги имкониятларни ҳам яратиб бермоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларидаги инвесторлар молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирида ривожланган мамлакатлардан ўз активларини олиб чиқаётганликлари ҳамда янги бозорларга, янги имкониятларга эътибор қаратаётганликлари маълум. Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистонда иқтисодий ўсишда ижобий кўрсаткичлар кузатилаётганлиги ҳамда инвестицион муҳитнинг такомиллаштириб борилаётганлигидан Европа Иттифоқи инвесторларининг Ўзбекистон бозорига эътиборларини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур. Мана шу омиллар диссертация иши мавзусининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан долзарблигини асослаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро иқтисодий интеграция, унинг Европа Иттифоқида хос бўлган хусусиятлари, мазкур Иттифоқнинг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида олиб борилаётган иқтисодий сиёсатлар бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Европа Иттифоқида хос иқтисодий интеграциянинг иқтисодий-инвестицион жабҳалари Р. Болдвин, Е. Сегецца², Т. Коэ, Э. Могадан³, А. Италианер⁴, А. Вамвакидис⁵, Х. Йоханссон⁶, Д. Пиацоло⁷, Б. Хейдра⁸, Р.

¹Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш // Халқ сўзи. – 29 январь 2005. – № 21.

²Baldwin R., Seghezza E. Growth and European Integration: Towards an Empirical Assessment // CERP Working Papers. – 1996. <http://ideas.repec.org/p/cpr/ceprdp/1393.html>

³Coe T.D., Moghadan E. Capital and Trade as Engines of Growth in France // IMF staff papers. – 1993. – Vol. 40. – P. 542-566.

⁴Italianer A. Wither the Gains from European Integration // Revue Economique. – 1994. - Vol.45. – P. 689-702.

⁵Vamvakidis, A. Regional Integration and Economic Growth // The World Bank Economic Review. – 1998. - Vol. 12.

⁶Johansson H. Regional Integration and Productivity Growth: The Case of EU // Journal of Economic Integration. – 2001. – Vol. 16. – P. 1-20.

⁷Piazolo D. The Credibility and Growth effects of EU Institutions on Eastern Europe // European Investment Bank Report. – 2001. – Vol. 99/P2.

⁸Heijdra B., Keuschnigg Ch., Kohler W. Eastern Enlargement of the EU: Jobs, Investment and Welfare in Present Member States // CESifo Working Paper. – 2000. – Vol. 7. <http://www.cesifo.group.de/DocCIDL/718.pdf>

Форслид, Я. Хааленд⁹, Ч. Виплош¹⁰, М. Якубяк, В. Пачински¹¹, М. Дабровски¹², П.М. Качински¹³, Ж. Течау, А. Скиба¹⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Мазкур мавзуда МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) иқтисодчи олимларидан В.С. Фатеев¹⁵, В. Песоцкий¹⁶, В.Г. Шемятенков¹⁷, О.В. Буторина, Ю.А. Борко¹⁸, И.В. Пилипенко¹⁹ ва бошқаларнинг илмий изланишлари эътиборга молик. Санаб ўтилган муаллифларнинг асарлари халқаро иқтисодий интеграция ҳамда унинг Европа Иттифоқига тегишли шакли борасидаги билимларнинг асосини яратиб берди. Шунинг билан бирга, жадал ривожланиб бораётган глобализация жараёни, жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар, иқтисодий-инвестицион фаолият кўламларининг кенгайиши, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиши ушбу муаммога янгича ёндашувларга йўл очиб бермоқда. Мамлакатимизда ҳам Европа Иттифоқи иқтисодиётига тегишли бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бундай тадқиқотларга мисол сифатида А.Ш. Бекмуродов²⁰, Г. Хачиев²¹, Р.Х. Шодиев²², Н. Сирожиддинов²³, Э. Трушин²⁴, У. Шамсибоев²⁵, Р. Р. Назарова²⁶, Н.Г. Худайбергановларнинг²⁷, шунингдек Иқтисодий тадқиқотлар маркази мутахассислари томонидан тайёрланган илмий ишларни, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида илмий-тадқиқот грантлари доирасида олиб

⁹Forslid R., Haaland J., Knarvik K., Maestad O. Integration and Transition: Scenarios for the Location of Production and Trade in Europe // *Economics of Transition*. – 2002. – Vol. 10. – P. 22-34.

¹⁰Baldwin R., Ch. Wyplosz. *European Economic Integration*. – Berkshire, UK: McGraw-Hill, 2004. – 418 p.

¹¹Jakubiak M., Paczyński W. (Eds.). *The New EU Frontier: Perspectives on Enhanced Economic Integration* // *CASE Network Reports*. – Prague, 2007. – № 71. – P. 42-59.

¹²Дабровски М. Обновленный Европейский союз и СНГ: реалии экономического сотрудничества // *Неприкосновенный запас*. – 2007, № 6 (56). – С. 26-30.

¹³Kaczynski P. M. The Fifth Enlargement of the EU, Five Years On: The Case of Poland and the Czech Republic. // *IFRI*. – Warsaw, 2008. – P. 36-49.

¹⁴Techau J., Skiba A. (Eds.) *Transatlantic Relations 2009. European Expectations* // *EPIN Working Paper*. – 2008. – № 20. – P. 22-32.

¹⁵Фатеев В.С. Региональная политика Европейского Союза на рубеже XX и XXI веков // *Белорусский экономический журнал*. – Минск, 2000. – № 1. – С. 29-36.

¹⁶Песоцкий В. Процесс расширения Европейского Союза: суть и реалии // *ЭКОВЕСТ. Журнал Института приватизации и менеджмента*. – Киев, 2002. – № 2. – С. 154-163.

¹⁷Шемятенков В.Г. *Европейская интеграция*. – Москва: Международные отношения, 2003. – 399 с.

¹⁸Европейский Союз: *Справочник-путеводитель* / Под ред. О.В. Буториной (отв.ред.), Ю.А. Борко, И.Д. Иванова. 2-е изд., доп. и перераб. – Москва: Издательский дом “Деловая литература”, 2003. – 288 с.

¹⁹Пилипенко И.В. Конкурентоспособность и интеграция: кластерная политика в Европейском Союзе // *Сборник научных трудов ИМЭМО РАН “Интеграционные процессы в современном мире: экономика, политика, безопасность”*. – Москва, 2007. – С. 24-32.

²⁰Бекмуродов А.Ш., *Внешнеэкономическая политика Республики Узбекистана в контексте экономической безопасности* // *Халқаро муносабатлар*. – 2000. – № 2. – С. 3-11.

²¹Бекмуродов А.Ш., Хачиев Г. К вопросу о повышении экспортной деятельности предприятий // *Экономическое обозрение*. – 2001. – № 4. – С. 12 – 16.

²²Шодиев Р.Х. Ўзбекистон экспорт салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари // *Халқаро муносабатлар*. – 2000. – № 1. – 23-26 бетлар.

²³Сирожиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана // *Монография. УМЭД*, 2004.

²⁴Трушин Э., Прибиткова В. Сравнительные преимущества Узбекистана в международной торговле // *Экономический вестник Узбекистана*. – 2000. – № 3. С. 10 – 14.

²⁵Shamsibaev U. Condition and Problems of Development of Foreign Trade of the Republic of Uzbekistan and the European Union. // *Халқаро муносабатлар*. – 2000. – № 1. P. 14 – 19.

²⁶Назарова Р.Р. Иқтисодий интеграция ривожланишининг халқаро амалиёти: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2002. – 22 б.

²⁷Худайберганов Н.Г. Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеграциялашув стратегияси: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2002. – 24 б.

борилган тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқоридаги олимларнинг ушбу соҳани ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, изланишларнинг асосий қисми иқтисодий интеграция муаммоларини, Европа Иттифоқи иқтисодий интеграциясининг асосий хусусиятларини ўрганиб чиқиш, Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг микро ва макро даражадаги тадқиқи кўринишида бўлиб, асосий эътибор иқтисодиёт тармоқларига Европа инвестицияларини жалб қилиш, мамлакатимиз корхоналарининг хорижга, шу жумладан ЕИга экспортини ривожлантириш муаммоларини ўрганишга қаратилган. Европа Иттифоқини яхлит иқтисодиёт сифатида қабул қилувчи ҳамда унинг тараққиёти хусусиятлари ва мавжуд тенденцияларга асосланган ҳолда, хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни рағбатлантирувчи стратегияларнинг назарий ва амалий жиҳатлари эса ишлаб чиқилмаганлигини қайд қилиш зарур. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ўстириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак. Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланадиган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш зарур”²⁸. Мана шу омиллар ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси томонидан 2005 йилда молиялаштирилган “№ 001-UzBe - Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Европа Иттифоқи ташқи иқтисодий-инвестицион муносабатларидаги тенденцияларни, хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давридаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш режалаштирилган:

- ЕИ иқтисодий интеграцияси тузилмавий элементларининг мазкур ҳудуд иқтисодий-инвестицион имкониятларига кўрсатган таъсирини ўрганиш;
- ЕИ иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегиянинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини таҳлил қилиш;
- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ЕИ ташқи савдо-

²⁸ Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 30 январь 2010. – № 21.

иқтисодий муносабатларидаги асосий тенденцияларни аниқлаш;

- ЕИ компанияларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция стратегияларини ўрганиш ҳамда уларнинг асосий хусусиятларини белгилаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ушбу стратегияларга таъсирини прогнозлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг ЕИ билан савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигининг жорий ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф қилиш дастурининг устивор йўналишларига мос равишда ЕИ билан иқтисодий-инвестицион ҳамкорлик самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ЕИ бозорларида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини ривожлантириш механизмининг ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб яхлит ҳолда Европа Иттифоқи иқтисодиёти ҳамда ундаги иқтисодий жараёнлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Европа Иттифоқи иқтисодиётидаги асосий тенденциялар ва мавжуд иқтисодий-инвестицион имкониятлар хизмат қилади.

Тадқиқот методлари. Илмий тадқиқотда қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, илмий абстракция, тизимли ёндашув ва бошқа замонавий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезасига кўра, Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун етарли салоҳият мавжуд.

Тадқиқотнинг илмий-услубий асослари бўлиб иқтисодчи олимлар томонидан Европа Иттифоқига тегишли иқтисодий интеграция масалалари ҳамда унинг иқтисодий-инвестицион имкониятлари бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида илгари сурилган ғоялар, Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг устивор йўналишлари хизмат қилди.

Диссертация ишининг ахборот базаси сифатида Европа Комиссиясининг расмий маълумотлари, Евростат ҳисоботлари, Ўзбекистоннинг ЕИдаги ваколатхонаси ахборотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Жаҳон Банки, Халқаро валюта фонди, турли иқтисодий ташкилотларнинг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар:

1. ЕИ иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегиянинг аҳоли турмуш даражасига таъсирининг таҳлили асосида “иқтисодий рақобатбардошлик – аҳоли фаровонлиги” алоқасига янгича ёндашув.

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ЕИ иқтисодий ва инвестицион имкониятларига кўрсатган таъсирининг таҳлили ва прогнози.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда ундан кейинги даврларда

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги иқтисодий-инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар.

4. ЕИ бозорларида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини ривожлантириш бўйича таклиф қилинаётган механизм.

Ишнинг илмий янгилиги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кучайган даврда Европа Иттифоқи иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда унинг Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигини такомиллаштириш муаммосига тизимли ёндашилганлигида ўз аксини топади. Тадқиқот ишида илмий янгилик хусусиятига эга бўлган қуйидаги натижалар олинди:

- ЕИ иқтисодий интеграцияси тузилмавий элементлари тавсифланган ҳамда уларнинг ҳудуд иқтисодий-инвестицион имкониятларига кўрсатган таъсири ўрганилган;

- ЕИ иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегиянинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини таҳлил қилинган ва шу асосда “иқтисодий рақобатбардошлик – аҳоли фаровонлиги” алоқасига янгича ёндашув таклиф қилинган;

- ЕИ ташқи савдо сиёсатининг асосий йўналишлари ўрганилган ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳудуддаги инвестицион фаолиятга тегишли уч хил сценарий прогнозлаштирилган;

- ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларидаги тенденциялар тавсифланган;

- Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини таъсирини бартараф этиш дастурининг устиворликларига асосланган ҳолда, ЕИ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

- “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини ривожлантириш механизми таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижалари, илмий-услубий хулосалари ва амалий таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятларида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда ундан кейинги даврларда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини ривожлантиришнинг маҳаллий, ҳудудий ва корпоратив дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертациядаги илмий материаллар, назарий хулосалар ва амалий тавсиялар олий таълим соҳасида, хусусан “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Халқаро иқтисодий интеграция”, “Ташқи иқтисодий фаолият” каби фанларни ўқитишда қўлланиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот доирасида олинган натижалар, хулоса ва таклифлар Бухоро вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (Далолатнома №ВХ-43/38-46, 10.03.2007).

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиалида ўтказилган “Учинчи минг йиллик бошида таълим ва ижтимоий-иқтисодий

тараққиёт” (2006 й.) ҳамда “Замонавий шарт-шароитларда иқтисодий тараққиётнинг долзарб масалалари” мавзуларидаги (2007 й.) халқаро конференцияларда, Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжуманида (Тошкент, 2007 й.), “Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти” республика илмий-амалий анжуманида (Бухоро, 2007 й.), Европа Иттифоқи – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Жан Моне кўшма грант лойиҳаси доирасида ташкил қилинган “Европа Иттифоқининг Марказий Осиё учун янги стратегияси: ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда (Тошкент, 2010 й.) маъруза қилинган. Шунингдек, эришилган асосий илмий натижалар Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги ваколатхонасида (2005 й.), Лимерик университети “Европа тадқиқотлари маркази”да (Ирландия, 2005 й.), Брюссель Эркин университети “Иқтисодий тадқиқотлар маркази”да (Бельгия, 2008 й.), Адам Мискевич номи университети Иқтисодиёт факультетида (Польша, 2008 й.) ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Д.005.10.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (Тошкент, 2010 й.) муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича республика ва хориж миқёсида 4 та мақола ва 12 та конференция тезислари (жами 3,6 босма табоқ) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 150 бет бўлиб, 17 та жадвал ва 9 та чизма келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 145 манбадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари аниқланган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб “Европа Иттифоқи иқтисодий интеграцияси ва иқтисодий-инвестицион салоҳиятининг асослари, ривожланиш жараёнлари ҳамда тузилмавий элементлари” деб номланиб, унда Европа Иттифоқига хос бўлган иқтисодий интеграция тажрибасининг назарий ва эмпирик асослари ўрганилган ҳамда ЕИ иқтисодий интеграциясининг тузилмавий элементлари иқтисодий-инвестицион имкониятларнинг асоси сифатида таҳлил қилинган.

Таъкидлаш жоизки, ЕИ мамлакатлари ва компанияларининг иқтисодий-инвестицион имкониятларининг асосини ягона бозор тузилмавий элементларининг жорий қилинганлиги ташкил этади. ЕИ иқтисодий интеграцияси ишлаб чиқарувчиларни уларга зарур бўлган иқтисодий-инвестицион муҳит билан таъминлаб берди. Энг асосийси, йирик ички бозор шаклланиб, бу ЕИ компанияларига ўз рақобатчилари бўлган хорижий компаниялар ҳажмигача катталаштириш имконини яратди.

ЕИ тажрибаси шуни кўрсатадики, самарали ягона ички бозор ҳам мусбат,

ҳам манфий интеграция тамойилларига таяниши лозим. “Тўрт эркинлик” олдидagi барча иқтисодий, божхона, техник, жисмоний тўсиқларнинг олиб ташланиши билан бирга тегишли институционал ислохотлар олиб борилиши ҳам зарурдир. ЕИга янги аъзо мамлакатлар ягона ички бозор имкониятларидан фойдаланишгаётган бўлишса-да, ўз вақтида Ирландия, Испания ва Португалияда ЕИга аъзолардан сўнг кузатилган “ўсиш самараси” даражасига ҳали эриша олишгани йўқ.

Евронинг муомалага киритилиши ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда монетар барқарорликка олиб келди. Шунинг билан бирга молиявий уйғунлаштириш ва бюджетларни мувофиқлаштириш ислохотлари янада чуқурлаштирилиши лозим. ЕИ тажрибасига асосланган ҳолда, ҳудудий интеграциянинг муҳим шартларидан бири интеграциялашувчи мамлакатлар ўртасида инвестицияларнинг эркин ҳаракати таъминланиши эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ягона Европа бозори рақобат муҳитини кучайтириш билан бирга, иқтисодиётнинг баъзи соҳаларида концентрацияни ҳам кучайтириб юборди. Ушбу концентрация масштаб иқтисодиётларининг шаклланиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг технологик самарадорлиги ошишига, шунингдек, ИТТКИга (илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари) ажратмалар ҳажмининг кенгайишига олиб келди.

“Европа Иттифоқининг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда ташқи савдо ҳамкорлигининг асосий йўналишлари” деб номланган **иккинчи бобда** Европа Иттифоқида иқтисодий рақобатбардошликни таъминлаш стратегияси, Иттифоқнинг ташқи савдо ҳамкорлиги йўналишлари, инвестиция оқимларининг асосий тенденциялари таҳлил қилинган ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳудуд иқтисодий-инвестицион имкониятларига таъсири аниқлаштирилган.

ЕИ иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган Лиссабон стратегиясининг таҳлили ушбу стратегияда белгиланган мақсадларга эришилмаганлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабаблари қаторида амалга ошириш режалаштирилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш талаб даражасида бўлмаганлигини, ЕИга янги аъзолар қўшилиши бандлик ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатганлигини, шунингдек баъзи иқтисодий омилларни, масалан евро курсининг ўзгариши ҳисобга олинмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кундаги иқтисодий вазият ва Лиссабон стратегиясининг устивор йўналишларига асосланган ҳолда унинг асосий мақсади “Рақобатбардошликни ошириб бориш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” эканлигини ифодалашимиз мумкин. Бу эса, “иқтисодий рақобатбардошлик – аҳоли фаровонлиги” алоқасига янгича ёндашувни таклиф қилиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, интеграцион гуруҳларда ЕИ тажрибаси асосида билимга асосланадиган иқтисодиёт тамойилларининг жорий қилиниши (хусусий сектор учун қулай муҳит, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, молия бозорлари интеграцияси, ягона бозор ва бошқ.) ҳамда кучли ижтимоий сиёсатнинг юритилиши (таълимга инвестицияни кучайтириш, замонавий бандлик сиёсати ва бошқ.) якунда аҳоли фаровонлигининг ошиб боришида намоён бўлади.

ЕИда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг йиллик ўзгариши, %да

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009*	2010*
ЯИМ	2,0	3,1	2,9	0,9	-4,0	-0,1
ЯИМ, жорий нархларда, млрд. евро	11063	11677	12353	12506	11835	11993
Истеъмол	2,0	2,3	2,2	0,9	-1,5	-0,4
Давлат харажатлари	1,6	1,9	1,9	2,2	1,9	1,7
Инвестиция харажатлари	3,6	6,2	5,4	0,2	-10,5	-2,9
Экспорт	5,9	9,2	5,0	1,6	-12,6	-0,2
Импорт	6,2	9,2	5,2	1,5	-11,0	-0,9
Инфляция	2,3	2,3	2,4	3,7	0,9	1,3
Ишсизлик (иш кучида %)	8,9	8,2	7,1	7,0	9,4	10,9
Ташқи қарз (ЯИМда %)	62,7	61,3	58,7	61,5	72,6	79,4
Жорий тўлов баланси (ЯИМда %)	-0,7	-1,1	-1,0	-1,5	-1,9	-2,0

Изоҳ: * тахмин қилинмоқда. Манба: Европа Комиссияси Иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича Бош Директорати ҳисоботи № ECFIN/REP/51795/2009 - Statistical Annex of European Economy – Spring 2009. <http://ec.europa.eu/eurostat>

ЕИ иқтисодиётида 2000 йилнинг ўрталаридан 2003 йилнинг ўрталаригача рўй берган муаммолар, хусусан 2000 йил ўртасидан бошлаб нефть нархининг ўсиб кетиши, 2001 йилда жаҳон савдоси ҳажмининг қисқариши, 2002 йил ўртасидан бошлаб евро курсининг мустаҳкамлана бориши, йирик аъзо-мамлакатлардаги тўловга ноқобиллик муаммолари, геосиёсий беқарорликлар кабилар иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатди. Асосий муаммолар эса 2008 йилда юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi даврида келиб чиқди.

2005-2007 йиллардаги иқтисодий ўсишнинг асосий омили экспорт ҳажмининг ошганлиги бўлди. Шунинг билан бирга, инвестициялар қуйи даражада, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ўртачадан паст даражада бўлиб келмоқда. Иш ҳақининг ўртача даражаси ошган бўлса-да, меҳнат унумдорлиги кутилган даражадан пастдир.

Ягона бозорни тўлиқ яратиш евро муомалага киритилишига қадар тугаллангандек кўринар эди. Лекин, амалда ЕИ мамлакатлари ўртасида ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати олдида баъзи тўсиқлар ҳалигача мавжуд. Лиссабон стратегиясида телекоммуникация, энергетика ва молиявий хизматлар каби тармоқларда ҳақиқий ягона бозорни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Телекоммуникация хизматлари бозорида рақобат муҳитининг кучайиши натижасида нархлар ўртача 15-25 %га пасайган бўлса-да, аъзо-мамлакатларнинг кўпчилигида телекоммуникация хизматлари бозорида давлатга тегишли ёки давлат ҳиссаси мавжуд бўлган компанияларнинг ҳиссаси катталигича қолмоқда. Масалан, Буюк Британияда “Бритиш Телеком” бозорнинг 52 %ини, Грециядаги бир компания эса мамлакат телекоммуникация хизматлари бозорининг 95 %ини назорат қилади. Электроэнергетика, табиий газ, сув таъминоти тармоқларидаги ислохотлар секин бормоқда. Мазкур тармоқлардаги нархлар аъзо-мамлакатлар ўртасида сезиларли равишда фарқ қилади. ЕИ статистика хизматларидан бири бўлган “Евробарометр”

маълумотларига кўра, ЕИдаги фаол аҳолининг қарийб ярми ўз ишини очиш истагида бўлишига қарамасдан, 17 %игина шу мақсадда бирон-бир иш юритган.

2-жадвал

Лиссабон стратегияси кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, 2008

№	Кўрсаткичлар	ЕИ-15 ўртача даражаси	ЕИ-27 ўртача даражаси	АҚШ	Шарқий Осиё
1.	Ахборот жамиятини яратиш	4,86	4,53	5,73	5,36
2.	Инновация ва ИТТКИ	4,62	4,18	6,07	5,20
3.	Либераллаштириш	5,22	4,90	5,23	5,28
4.	Молиявий хизматлар	-5,79	5,41	5,97	5,26
5.	Корхоналар учун қулай муҳит	4,86	4,71	5,27	5,26
	шу жумладан, Бизнесни бошлаш учун муҳит	5,11	4,95	5,65	5,17
	Назорат-тартибга солиш муҳити	4,61	4,47	4,90	5,36
6.	Ижтимоий ҳамжиҳатлик	4,92	4,66	4,86	5,09
7.	Барқарор тараққиёт	4,47	4,11	4,50	4,26
	шу жумладан, Малакавий қайта тайёрлаш	5,20	5,27	5,79	5,56
	Малака ошириш	4,79	4,53	5,20	5,14
	Ижтимоий ҳимоя	4,77	4,19	3,60	4,58
	Якуний кўрсаткич	5,07	4,73	5,44	5,26

Манба: The Lisbon Review 2008. Measuring Europe's Progress in Reform. www.wef.org

Меҳнат бозоридаги бош муаммолардан бири аҳолининг ўртача ёши ошиб бораётганлиги ҳамда аҳолига нафақа ва бошқа тўловлар ҳажмининг кўпаяётганлигидир. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини юқори даражада сақлаб туриш муаммоси ҳам долзарб бўлиб турибди.

Европа Иттифоқи ташқи савдо сиёсати Умумий Савдо Сиёсати (УСС) деб ҳам юритилади. УССнинг бош тамойиллари Европа Иттифоқи Битимининг 133-моддасида билдириб ўтилган бўлиб, ушбу сиёсат ЕИ ташқи иқтисодий муносабатларининг барчасини қамраб олмаслигини қайд қилиш зарур. ЕИ умумий савдо сиёсатининг асосий тамойиллари ҳар доим ҳам турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Расмий маълумотларда ЕИ протекционистик савдо сиёсати тарафдори эмаслиги ҳамда халқаро савдони максимал равишда эркинлаштиришга мойил эканлиги таъкидланаётган бўлса-да, ташқи савдода ЕИ томонидан кенг кўламда қўлланадиган нотариф чекловлар вазиятнинг аслида бошқача эканлигини кўрсатади.

ЕИ умумий савдо сиёсати икки томонлама ва кўп томонлама савдо шартномалари асосида олиб борилади. Халқаро савдо кўрсаткичларида ЕИ ички савдоси алоҳида ҳолда қўшилганида ЕИ жаҳондаги энг йирик савдо айланмасига эга эканлиги намоён бўлади (3-жадвал).

Жаҳон савдосида асосий экспорт-импортчи мамлакатлар, 2008
(ЕИ ички савдоси билан)

№	Мамлакатлар	Импорт, млрд. евро	%	Экспорт, млрд. евро	%	Ташқи савдо айланмаси, млрд. евро	%
1	ЕИ – 27	4180	37,5	4015	36,6	8195	37,0
2	АҚШ	1446,9	13,0	989,7	9,0	2313,5	10,5
3	Германия	813,4	7,3	989,2	9,0	1802,7	8,1
4	Хитой	729,6	6,5	866,6	7,9	1719,3	7,8
5	Япония	503,1	4,5	500,6	4,6	1003,7	4,5
6	Голландия	386,7	3,5	429,0	3,9	815,7	3,7
7	Италия	375,4	3,4	364,5	3,3	740,0	3,3
8	Б. Британия	427,5	3,8	311,4	2,8	738,9	3,3
9	Бельгия	319,0	2,9	323,8	3,0	642,8	2,9
10	Канада	302,4	2,7	309,9	2,8	612,3	2,8
	ЖАМИ	11161	100,0	10965	100,0	22126	100,0

Манба: Европа Комиссияси Савдо масалалари бўйича Бош Директоратининг расмий сайти
<http://ec.europa.eu/trade/issues/bilateral/data.htm> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

ЕИнинг иқтисодий куч-қудрати унга ўз савдо ҳамкорлари учун у ёки бу турдаги савдо шартномаларини таклиф қилиш ё қилмаслик орқали “ҳамкор танлаш”, ҳатто дискриминация қилиш имкониятини яратиб беради.

Ҳозирги кунда ЕИ экспортида машинасозлик, транспорт воситалари ҳамда кимёвий маҳсулотлар асосий ўринни эгаллайди. Импортда эса энергетика маҳсулотлари ва машинасозлик катта ҳиссага эга. Нефть ва газ маҳсулотлари импорти жами энергетика маҳсулотлари импортида 90 %га яқин ҳиссага эга. Ушбу омиллар ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида вужудга келган вазият ЕИ билан савдо муносабатларида пухта ўйланган савдо сиёсати ишлаб чиқиши талаб қилади.

Жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар, шунингдек ЕИ ташқи савдо ва инвестицион ҳамкорлиги асосий йўналишларининг таҳлили мазкур иттифокда стратегик аҳамиятга эга бўлган энергетик хавфсизлик ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари секторларига экспортни ошириш учун қулай имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

ЕИ молиявий балансининг асосий кўрсаткичлари, млрд. еврода

Кўрсаткичлар	2006	2007	2008
Тўғри инвестиция	-111,3	-116,9	-175,6
- ЕИдан хорижга	-313,4	-511,6	-342,6
- Хориждан ЕИга	202,2	394,7	167,0
Портфель инвестиция	-310,4	358,9	931,7
- портфель инвестиция активлари	-248,6	-518,5	213,7
- портфель инвестиция мажбуриятлари	559,0	877,4	718,0
Бошқа инвестициялар	-57,1	45,0	-554,8
- бошқа инвестиция активлари	-758,6	-1380,0	-26,5
- бошқа инвестиция мажбуриятлари	701,5	1424,9	-528,3
Молиявий деривативлар	14,0	-98,0	-12,3

Манба: EUROSTAT Statistics in Focus № 45/2009. <http://ec.europa.eu/eurostat> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Жадвалдан кўринганидек, 2008 йилда ЕИдан ташқарига ТХИ оқимлари 2007 йилга нисбатан 33 %га пасайди (2007 йилдаги 511,6 млрд. евродан 342,6 млрд. еврога). ЕИга ТХИ оқими эса 2007 йилга нисбатан 57,7 %га пасайиб кетди (2007 йилдаги 394,7 млрд. евродан 167 млрд. еврога). ЕИ ички инвестиция оқимлари 2007 йилга нисбатан 42 %га қисқарди. 2008 йил кўрсаткичлари ЕИ жаҳонда соф инвестор эканлигини тасдиқлайди. Хорижга йўналтирилган инвестиция ҳажми жалб қилинган инвестиция ҳажмидан 175,6 млрд. еврога кўпроқ бўлиб, бу иттифоқ ЯИМининг 1,4 %ини ташкил этади. 2007 йилда ҳам ушбу кўрсаткич 116,9 млрд. еврога тенг бўлиб, ЯИМнинг 0,95 %ига тенг бўлганди.

Маълумотларга кўра, 2008 йилда ЕИ-27 жорий балансида 244,1 млрд. евро (ЯИМда 2 %) дефицит келиб чиқди. 2007 йилда ушбу кўрсаткич 140,4 млрд. еврога (ЯИМда 1,1 %) тенг бўлган эди. Хизматлар бўйича тўлов балансида 75,4 млрд. евро профицит кузатилди. Трансферт тўловлари бўйича дефицит эса ўзгармасдан қолди. АҚШни ЕИнинг асосий дебитори, Хитойни эса асосий кредитори сифатида қабул қилиниши мумкин.

ЕИ иқтисодиётига ташқаридан жалб қилинган ТХИлардан 320 млрд. евро ишлаб чиқариш секторида, 1,4 трлн. евро хизматлар секторида, 1,7 трлн. евро эса бошқа секторларда жойлаштирилган²⁹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозигача бўлган даврда ЕИ компаниялари томонидан хориж иқтисодиётларига инвестиция киритиш кўламли барқарор ошиб борди. 2007 йилларнинг охирига келиб жаҳон ялпи ТХИ ҳажмларида Европа Иттифоқи ТМКларининг ҳиссаси 50 %дан кўпроқни ташкил этар эди. Илм-фан тараққиёти ва молиявий ресурслар мобиллигининг ортиши инсон капиталининг аҳамиятини янада оширди. Натижада ЕИ инвестицияларининг сезиларли қисми ИТТКИ ва маркетинг йўналишларида сарфланганлигини кўриш мумкин.

ЕИда инвестиция фондлари фаолияти ҳам ривожланган бўлиб, уларнинг асосий қисми қисқа ва ўрта муддатда фойда олишни кўзлаган ҳолда ривожланаётган мамлакатларда жадал ўсаётган корхоналарга 5-10 йил муддатга инвестиция киритиш йўлидан боришади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ЕИ иқтисодиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. ЕИда ташқи савдо сальдоси 1996 йилда 88,5 млрд. долларни тенг бўлган бўлса, 2007 йилда -228,0 млрд. долларни ташкил этди.

2009 йилда ЕИ ва еврозонада ЯИМ ҳажмидаги қисқариш 4 %га етди. Илгари ушбу қисқаришнинг 2,2-3,2 % атрофида бўлиши кутилган эди. 2009 йилнинг 1-чорагида еврозонада ЯИМ ҳажми қисқариши 1,6 %га етди. Иқтисодий инқироз даврида ишсизлик ҳажми ошиб бормоқда. Хусусан 2009 йилнинг март ойида ишсизлик ЕИда 8,3 %ни ёки 20,154 млн. кишини, еврозонада 8,9 % ёки 14,158 млн. кишини ташкил этди³⁰. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ЕИдаги халқаро инвестиция оқимларига салбий таъсир қилганлиги шубҳасиздир. Кредит олиш имкониятларининг қисқариши компанияларнинг халқаро миқёсдаги фаолиятларини молиялаштириш

²⁹Papalardo L., Corsini C. EU-27 current account deficit rose to EUR 244 bn in 2008 // Statistics in focus. – 2009. – № 45. – P. 1-3.

³⁰Euro area unemployment up to 9.6%. Eurostat indicators № 139/2009. October 2009. – P. 1-4.

имкониятларини пасайтирди. Йирик ТМКлар глобал миқёсдаги кенгайиш режаларига ўзгартириш киритишга мажбур бўлишди. Ушбу тенденцияни иқтисодийнинг барча секторлари ва хорижий инвестициянинг барча уч турида кузатишимиз мумкин. Энг катта салбий таъсир молиявий хизматлар, автомобиль саноати, қурилиш, ярим тайёр маҳсулотлар секторида вужудга келди.

2008 йилнинг ноябрида Еврокомиссия томонидан иқтисодийни рағбатлантиришга қаратилган “Иқтисодийни қайта тиклаш” умумевропа режасини эълон қилди. Ушбу режани амалга ошириш учун 200 млрд. евродан ортиқроқ маблағ ажратилди. Аъзо мамлакатлар ўзларининг банк тизимларини инқироздан олиб чиқиш учун ўз бюджет маблағлари асосида йирик тижорат банклари акцияларини сотиб олишмоқда. Тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланилмоқда. 2008 йил маълумотларига кўра, инқирозга қарши кураш дастури асосида қилинган харажатлар Буюк Британияда 1,02 трлн. долларни (мамлакат ЯИМига нисбатан 37 %), Германияда 893 млн. долларни (23 %) ташкил этмоқда.

Баъзи аъзо мамлакатларда 2010 йилга келиб, ЯИМда 1 % ўсишга эришиш мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Ички талабнинг камайиши ва нефть нархининг пасайиши 2009-2010 йилларда инфляция суръатларининг камайишига сабаб бўлиши кутилмоқда³¹.

“Иқтисодийни қайта тиклаш” режасининг асосий 4 йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Ишчи кучи малакасини ҳамда унга бўлган талабни ошириш. Режа доирасида иш кучи малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш орқали иш билан бандликни ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

2. Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш. Европа Инвестицион Банки кичик бизнесни қўллаб қувватлаш мақсадида 30 млрд. евро маблағ ажратди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлашдаги маъмурий тўсиқларни камайтириш мақсадида тегишли ваколатли органларга янги тадбиркорлик субъектларини уч иш куни ичида ҳеч қандай харажатсиз рўйхатдан ўтказиш мажбурияти юкланди. Микро корхоналар йиллик ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод қилинди (ҳисоб-китобларга кўра, микро корхоналар бюджетидан 7 млрд. еврога тенг маблағ тежалади). Хусусий корхоналар учун зарурий бўлган устав фондининг минимал даражаси 1 евро қилиб белгиланди.

3. Инфратузилма ва энергетика секторини ривожлантириш. Европа Комиссияси томонидан “Трансевропа транспорт тармоғи” лойиҳаси, иқлим ўзгариши, энергетик хавфсизлик ҳамда инфратузилмани такомиллаштириш лойиҳаларига қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Уй-жой қурилишида энергияни тежовчи мосламалардан фойдаланишни рағбатлантириш, “экологик тоза маҳсулот” ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар бериш ҳам мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар сирасига киради.

4. Инновацион фаолиятни жадаллаштириш. Бунга кўра 2013 йилгача бўлган даврда илмий-техник салоҳиятни мустаҳкамлаш учун туб ислохотлар

³¹World Economic Outlook. Crisis and Recovery – International Monetary Fund Publications, 2009. – P. 251.

олиб бориш, ИТТКИга ажратмаларнинг ЯИМдаги ҳиссасини 3,0 % гача (ҳозирда 1,9 %) ошириш (1/3 қисми давлат харажатлари, 2/3 қисми хусусий сектор инвестициялари ҳисобидан), Европа умумий тадқиқот ва инновация ҳудудини яратиш кабилар мўлжалланган. Ҳисоб-китобларга кўра ИТТКИга ажратмаларнинг 30 % га оширилиши йиллик ЯИМ ўсишига яна 0,5 % ҳисса қўшилишига ҳамда 2010 йилдан сўнг ҳар йили ўрта ҳисобда 400 минг янги ишчи ўрни яратилишга олиб келади.

Диссертацияда ЕИнинг инвестицион имкониятларини прогнозлаш нуқтаи назаридан 2010-2012 йиллар давомида вазиятнинг уч хил сценарий асосида ривожланиб бориши мумкинлиги аниқланди. Ушбу сценарийларга таъсир қилувчи асосий омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эволюцияси, глобал таназзул давомийлиги ҳамда иқтисодий чора-тадбирларнинг самарадорлигидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ҳамда ЕИ иқтисодий-инвестицион имкониятларини кўз ўнгида тутиб, кейинги йилларда ЕИ инвестициялари учун ривожланаётган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон иқтисодиётининг бир қанча секторларидаги инвестиция имкониятлари жозибador бўлишини тахмин қилиш мумкин. Бунинг учун ушбу секторларда технологик инновацияларнинг қўлланиши, бозор ҳажмининг кенгайиб бориши, ташкилий тузилмаларнинг ривожланиши, баъзи ҳолларда эса ҳар учала омилнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланади.

Диссертациянинг **учинчи боби** “Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигининг таҳлили” деб номланиб, унда республикада ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришда ЕИ техник ҳамкорлигининг аҳамияти, ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликдаги асосий тенденциялар ва мавжуд муаммолар аниқлаштирилган. Таҳлиллар асосида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

ЕИ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегияси 2006 йилгача ТАСИС дастури доирасида олиб борилди. Мазкур давр мобайнида Ўзбекистонда ТАСИС дастури доирасида 195 та лойиҳа учун 170 млн. еврога яқин маблағ ўзлаштирилди. 2007 йилдан бошлаб эса ЕИ томонидан Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишига кўмак Тараққиёт ва иқтисодий ҳамкорлик (DCECI – Development Cooperation and Economic Cooperation Instrument) механизми орқали амалга оширилади. Шунингдек, энергетика масалаларидаги ҳамкорлик ИНОГЕЙТ дастури, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ТРАСЕКА дастури доирасида амалга оширилади.


1996 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси билан ЕИ ўртасида имзоланган Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (ШХБ) икки томонлама муносабатларнинг мудофаа масалаларидан ташқари барча соҳаларини қамраб олади. ШХБнинг бир нечта бўлими бевосита ва билвосита ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар

тўлқинсимон динамикага эгалиги билан характерланади. 2002-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг ЕИ билан савдо айланмасида йиллик ўртача ўзгариш -0,9 %, ялпи ўсиш эса -5,5 % га тенг бўлди.

Экспорт ва импорт кўрсаткичларида ҳам беқарорликни кузатиш мумкин. 2002-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон экспортининг йиллик ўртача ўзгариши 9,0 % бўлиб, ЕИга экспорт ҳажми 45,1 %га ошди. Импортда эса ушбу давр мобайнида ўртача 10,4 %, жами 52,1 %лик ўсиш кузатилди. 2008 йилда эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида ЕИ истеъмолчиларининг сотиб олиш қобилиятлари кескин пасайганлиги натижасида Ўзбекистондан ЕИга экспорт ҳажми 66 %га қисқарди. ЕИдан импорт ҳажмида 17,7 % ўсиш кузатилди. Жами савдо айланмаси эса 37,4 %га қисқарди³².

Ўзаро савдо муносабатларининг тўлқинсимон характерга эга эканлиги ҳамда экспорт ва импортнинг таркибий тузилиши мазкур даврларда жаҳон иқтисодиётидаги ҳамда икки томоннинг савдо сиёсатларидаги асосий тенденциялар билан тўғри алоқада эканлигини таъкидлаш зарур. Бу ўз навбатида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси тобора чуқурлашиб бораётганлигини ҳам билдиради. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларга таъсирини ҳам кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистоннинг ЕИ билан савдо кўрсаткичлари динамикаси, млн. еврода

ЕИ - Ўзбекистон савдо айланмаси динамикасини кўп ҳадли тренд орқали ифодалаганда, тренд тенгламаси $y=12,90t^2-12,81t+1201$ кўринишга, ишончлилик

³²European Union Bilateral Trade with Uzbekistan. DG Trade // <http://ec.europa.eu/trade/issues/bilateral/data.htm> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

даражаси эса $R^2=0,665$ га тенг бўлди. Ўзаро савдо айланмаси динамикаси трендининг ишончлилиқ даражаси бироз пастлиги ЕИга экспорт динамикасидаги тўлқинланишлардан келиб чиқади. ЕИга экспорт динамикаси трендининг ишончлилиқ даражаси пастлиги эса, ўз навбатида сўнгги йиллардаги жаҳон иқтисодиётидаги тўлқинланишлар, хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари билан боғлиқдир.

2008 йилда келиб чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистоннинг ЕИга экспорти ҳажмини қисқартириб юборди. Бунинг асосий сабаби иттифоққа аъзо мамлакатларнинг сотиб олиш қобилиятлари пасайганлиги, иқтисодий фаолиятнинг сусайганлигидир. ЕИдан импорт ҳажми эса олдинги йиллардаги тенденцияга мос равишда ўсди. Импорт таркибида республикадаги корхоналарни қайта жиҳозлашга мўлжалланган инвестицион товарлар ва ускуналар асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, иқтисодий хавфсизлиқ нуқтаи назаридан хўжалиқ фаолиятидаги юқори инвестиция фаоллигидан далолат берувчи ижобий таркибий силжишдир.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг асосий инвестицион ҳамкорлари қаторига киради. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги маълумотларига кўра, 1991-2007 йиллар давомида мамлакатимиз ҳудудида ЕИ инвесторлари иштирокидаги 897 тўғридан-тўғри хорижий инвестицияли (ТХИ) корхона рўйхатга олинган бўлиб, шундан 704 таси қўшма корхона, 193 таси хорижий корхонадир.

2008 йилнинг 1 январь куни ҳолатига юқорида санаб ўтилган ЕИ инвестицияси иштирокидаги корхоналардан 583 таси, шу жумладан 426 та қўшма корхона ҳамда 157 та хорижий корхона фаолият олиб борган. ЕИ компанияларининг 200 дан ортиқ ваколатхонаси аккредитация қилинган. Ушбу ваколатхоналар фаолияти асосан экспорт-импорт, хизматлар сектори, кимё-фармацевтика, озиқ-овқат, информацион технологиялар соҳалари билан боғлиқ.

2007 йилга келиб ЕИ капитали иштирокидаги лойиҳалар ҳажми 3,773 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, шу йили 725,44 млн. АҚШ долларига тенг қисми ўзлаштирилди. Мазкур инвестициялардан 201,43 млн. АҚШ доллари ҳукумат кафолати остида, 524,01 млн. АҚШ доллари эса ТХИ кўринишида жалб қилинди³³.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик кўрсаткичларининг эришиш мумкин бўлган даражадан анча паст эканлигини таъкидлаш жоиз. Диссертацияда ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлиқ қилаётган муаммолар аниқлаштирилди. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари; Европа Иттифоқи ташқи иқтисодий сиёсати омиллари; ахборот тузилмасининг етарсизлиги; маъмурий- ҳуқуқий соҳадаги муаммолар; товарлар рақобатбардошлигининг пастлиги; тармоқлар рақобатбардошлиги муаммоси. Диссертацияда аниқлаштирилган ҳар бир муаммонинг асосий омиллари таърифланди.

Мавжуд ҳолат Ўзбекистон Республикасида жаҳон молиявий-иқтисодий

³³Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

инқирозининг салбий оқибатларини бартараф қилиш билан параллел равишда Европа Иттифоқининг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳисобга олинган кенг кўламли комплекс дастурларнинг амалга оширилишини талаб қилади.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда инновацион жараёнларни жадаллаштириш ҳамда саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга асосланувчи устивор йўналишларини танлаш эҳтиёжи мавжуд.

Диссертацияда инновацион тарақиётга асосланадиган янги “Экспортни рағбатлантириш миллий дастури” ишлаб чиқилиши ва татбиқ қилиниши зарурияти ифодаланиб, ушбу дастур доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши кураш дастурини, унда кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур”³⁴ фикрларига мос равишда таклиф қилинаётган дастур ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “Инқирозга қарши чоралар дастури” билан мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур дастур ислохотлари қаторида қуйидагилар тавсия қилинади.

Ахборот тузилмаси ислохотлари: экспорт маркетинги кўламларини ошириш, ташқи ва ички бозор бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланувчи “Миллий экспорт ахборот ва тадқиқот маркази” тузилиши; марказнинг бош вазифалари қаторига юқорида санаб ўтилган вазифалар билан бир қаторда, халқаро сифат стандартларига жавоб берувчи товарлар ишлаб чиқаришга кўмаклашиш, товарларни хорижлик истеъмолчилар диди ва талабига жавоб бера оладиган даражага мослаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кабиларни киритиш; жаҳон бозорларидаги, шу жумладан ягона бозор сифатида ЕИ иқтисодиётидаги тенденцияларни таҳлил қилиш асосида экспортдаги устивор йўналишларни аниқлаштириш.

Ишлаб чиқаришда инновацион жараёнларнинг йўлга қўйилиши: “Инновацион тараққиёт фонди”ни ташкил қилиш; мазкур фондни Европа Иттифоқи тажрибаси асосида шакллантириш; фонднинг асосий вазифалари қаторида қуйидагиларни белгилаш: иқтисодий инқироз даврида корхоналар учун инновацион тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқиш ва асослаш; мамлакатдаги технологик тараққиёт тенденцияларини истиқболлаш ҳамда шу асосда илмий-техник устиворликларни аниқлаш; инновацион фаолиятни бевосита ва билвосита усуллар билан рағбатлантириш; инновациялар соҳасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ва хусусий фирмаларни қўллаб-қувватлаш.

Экспорт товарлари рақобатбардошлигининг оширилиши: ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифат даражасини ошириш ҳамда уларнинг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришда, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришда босқичма-босқич равишда

³⁴Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устивор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 28 январь 2010.

TQM – Умумий сифат назорати тизимини йўлга қўйиб бориш; “экологик тоза маҳсулот” тушунчасига таъриф бериш ҳамда товар турига кўра меъёрларнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Товарлар маркетинги ҳамда брендлаштириш: ЕИдаги савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, хорижда савдо уйлари очиш; “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” товар брендини ривожлантириш.

Солиқ ва ишлаб чиқариш имтиёзлари қўламини кенгайтириш: хусусий сектор субъектларининг барчасига маҳаллий ёки хориж бозорига йўналтирилган ишлаб чиқаришларидан қатъий назар улар томонидан амалга ошириладиган технология импортини божхона тўловларидан озод қилиш; экспорт-импорт операциялари самарадорлигини оширувчи воситачи фирмалар фаолиятини ҳам имтиёзлар билан қўллаб-қувватлаш.

Инфратузилмани такомиллаштириш: транспорт ва логистика хизмати операцияларнинг оптимал уйғунлигини таъминлаш; Навоий аэропорти базасида ташкил қилинган халқаро интермодал логистика марказига қўшимча равишда, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ЕИ билан экспорт-импорт операцияларининг транспорт харажатларини камайтириш мақсадида йирик транспорт корхоналари, тегишли вазирлик ва идоралар, корхоналар, тадбиркорлик уюшмалари билан ҳамкорликда йирик миллий транспорт корпорациясини ташкил қилиш; Осиё-Тинч океани ҳудудларидан Европа Иттифоқига олиб борувчи ҳамда мамлакатимиз ҳудудидан ўтувчи автомобиль ва темир йўллар тармоғини ривожлантириш билан бир қаторда ушбу йўлларни сақлаш, таъмирлаш, омборлар хизматини таъминлаш, логистик хизматларни такомиллаштиришни устивор йўналишлардан бири сифатида қабул қилиш.

Маъмурий-ҳуқуқий тизимдаги ислохотлар: экспорт-импорт операцияларини ҳамда уларга тегишли маъмурий ишларни соддалаштириш мақсадида “Ягона ойна” механизмининг жорий қилиш.

Устивор тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш: жаҳон ва Европа бозорларида рақобатбардош бўла оладиган энергетика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ислохотларни янада чуқурлаштириш; Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги энергетика соҳасидаги келишувлар узоқ муддатли қилиб тузилишига эришиш; жиддий энергия тежаш сиёсати олиб борилиши, ишлаб чиқаришни тежамкор технологияларга ўтказишни, бунинг учун тармоқда инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш; тўқимачилик соҳаси салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг асосий йўли сифатида кластер иқтисодиётларини шакллантириш; инвестиция имкониятлари ёки товарларни хорижда реклама қилиш фаолиятдан олинган даромадни ҳар қандай солиқдан озод қилиш.

Техник ҳамкорлик масалалари: Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни стандартлаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда Европа Иттифоқи тизимларига мувофиқлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш; олий таълим соҳасида тегишли ўқув дастурларини такомиллаштириш, ЕИ университетлари билан қўшма таълим муассасалари ташкил қилиш, касбий малакаларни ошириш тадбирларини олиб бориш.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ҳамда назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

1. ЕИнинг мавжуд иқтисодий салоҳияти асосида ягона бозор тузилмавий элементларининг жорий қилинганлиги ётади. ЕИ тажрибаси шуни кўрсатадики, ягона ички бозорнинг самарали фаолият кўрсатиши ҳам мусбат, ҳам манфий интеграция тамойилларига таяниши лозим.

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кучайишига ЕИ банклари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. ЕИ молия бозорларининг ўз-ўзини тартиблаш механизми биринчи жиддий муаммодаёқ ўзини оқламаслиги аён бўлди. Молия бозорларини миллий даражада назоратнинг сусайганлиги ҳамда халқаро миқёсда ахборот алмашинувининг етарли даражада бўлмаганлигини қайд қилиш зарур.

3. Тадқиқотлар натижалари ЕИ компанияларининг ўз активларини ўзлари учун қулай бўлган иқтисодиётларга кўчириш тарафдори эканликлари кўрсатмоқда. Инвестиция муҳити омилларининг муҳимлиги борасида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ЕИ инвесторлари учун энг муҳим омил бозорнинг ўсиш суръатидир. Кейинги ўринларни бозорнинг ҳажми, халқаро ва ҳудудий бозорларга кириш имкониятлари, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, арзон ишчи кучи, инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқалар эгаллашган. Иқтисодий инқироз кучайганлиги ҳамда харид қобилиятининг пасайганлиги натижасида халқаро савдо ҳажмлари пасаймоқда, лекин ЕИ импорти ва экспортининг маҳсулот гуруҳлари бўйича тақсимооти айтарлик ўзгармаслигини тахмин қилиш мумкин. Хусусан, ЕИ учун стратегик аҳамиятга эга бўлган энергетик хавфсизлик ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари секторларига экспортни ошириш учун қулай имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

4. ЕИдаги ТХИ стратегияларини анъанавий равишда гуруҳлаштиришга қўшимча тарзда бозорга йўналтирилган ХТИ стратегияларини “ҳимоявий” ва “ҳужум” стратегияларига, самарадорликка йўналтирилган ХТИ стратегияларини эса “рационаллаштирилган” ва “қайта ташкиллаштириш” стратегияларига бўлиб ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз.

5. Ўзбекистонга ЕИ инвестицияларини жалб қилишда инвестицияларнинг ижобий самараси тўғрисида фикр юритиш билан бирга, масаланинг иқтисодий хавфсизлик жиҳати ҳам эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, инвестицион тартибга солишнинг эркинлаштирилиши молиявий манбаларнинг ХТИ шаклидан портфель шаклига кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Иккинчидан, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларда хорижий капитал асосан ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳаларига йўналтирилади. Бунинг асосида эса инновацион тараққиётга эришиши қийинлашади. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиши учун асосий капиталга йўналтириладиган инвестициялар ҳажми кўпайишига эришиш лозим.

6. ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлардаги

долзарб муаммоларнинг ҳал қилиниши Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф қилиш дастурининг устивор йўналишларига мос келадиган ҳамда ЕИнинг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳисобга олинган кенг кўламли комплекс дастурларнинг амалга оширилишини талаб қилади. Шу мақсадда инновацион тарақиётга асосланадиган янги “Экспортни рағбатлантириш миллий дастури” ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

7. Экспорт маркетинги кўламлини ошириш, ташқи ва ички бозор бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланувчи “Миллий экспорт ахборот ва тадқиқот маркази” тузилиши зарур.

8. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан ишлаб чиқаришда инновацион тарақиёт йўналишидан бориш мақсадида “Инновацион тарақиёт фонди”ни ташкил қилиш, мазкур фондни ЕИ тажрибаси асосида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

9. “Экологик тоза маҳсулот” тушунчасига таъриф бериш ҳамда товар турига кўра экологик тозалик меъёрларининг ишлаб чиқиши тавсия қилинади.

10. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар экспортини рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини шакллантириш лозим. Диссертацияда ушбу брендни шакллантириш ва ривожлантириш механизми таклиф қилинди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарорига қўшимча тарзда хусусий сектор субъектларининг барчасига маҳаллий ёки хориж бозорига йўналтирилган ишлаб чиқаришларидан қатъий назар улар томонидан амалга ошириладиган технология импортини божхона тўловларидан озод қилиш имтиёзини бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари хусусида” Фармонида мос равишда ишлаб чиқаришда, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришда босқичма-босқич равишда TQM – Умумий сифат назорати тизимини йўлга қўйиб бориш зарур.

13. Навоий аэропорти базасида ташкил қилинган интермодал логистика маркази ҳамда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида амалга ошириладиган “Ўзбек миллий автомагистрали” лойиҳасига қўшимча равишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ЕИ билан экспорт-импорт операцияларининг транспорт харажатларини камайтириш мақсадида транспорт корхоналари, тегишли вазирлик ва идоралар, корхоналар, тадбиркорлик уюшмалари билан ҳамкорликда йирик миллий транспорт корпорациясини ташкил қилиш тавсия қилинади.

14. Экспорт-импорт операцияларини ҳамда уларга тегишли маъмурий ишларни соддалаштириш мақсадида “Ягона ойна” механизмини жорий қилиш, ягона орган вазифасини божхона органи бажариши мақсадга мувофиқдир.

15. Иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик

янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устивор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастурга туризм сектори, хусусан сервис ва меҳмонхона хўжалигига тегишли лойиҳаларни киритиш ҳам лозим.

16. Инвестиция имкониятларини ёки товарларни хорижда реклама қилиш фаолиятидан олинган даромадни ҳар қандай солиқдан озод қилиш тавсия қилинади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Жўраев А.Т., Бекмуродов А.Ш. Европа Иттифоқининг кенгайиш жараёни ва Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик истикболлари // Иқтисод ва таълим. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 118 – 122.
2. Juraev A.T. Uzbek Export to the European Union: Further Reforms Needed // Proceedings of 2nd International Conference on Business, Management and Economics. – Izmir, Turkey, 2006. – P. 225 – 232.
3. Juraev A.T., Umarov B.B. Reforms for the Improvement of Uzbekistan Foreign Trade // Global Academic Networking on Business Innovation, Economic Growth, Human Resources and Information Technology: Proceedings of the 4th International Conference among KALM, ISTEDOD and BHU. – Tashkent-Bishkek, 2006. – P. 45-47.
4. Маҳмудова Н.Ў., Жўраев А.Т. Ягона ички бозор ва унинг Европа Иттифоқига хос хусусиятлари // Ёшларнинг ўқиши ва бандлиги муаммолари: Халқаро илмий конференция материаллари. - Самарқанд, 2006. – Б. 235-236.
5. Жураев А.Т. Внешнеэкономические связи Узбекистана с Европейским Союзом и перспективы их развития // Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия: Тезисы докладов 19-х Международных Плехановских чтений. – Москва, 2006. – С. 150-152.
6. Жураев А.Т. Пути повышения эффективности экспорта Республики Узбекистан в Европейский Союз // Материалы 1-й международной студенческой научно-практической конференции. – Омск, 2006. - С. 346-349.
7. Жўраев А.Т. Европа Иттифоқида инвестицион оқимлар // Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ёш олимларнинг халқаро илмий конференцияси тезислар тўплами. – Хива, 2006. – Б. 378-379.
8. Жўраев А.Т. Лиссабон стратегиясининг Европа иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишдаги ўрни // Ёшларнинг ўқиши ва бандлиги муаммолари: Халқаро илмий конференция материаллари. - Самарқанд, 2006. – Б. 113-114.
9. Жўраев А.Т., Маҳмудова Н.Ў., Дилмонов Қ.Б. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш йўналишлари // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ, 2006. – № 2. – Б. 27-29.
10. Жўраев А.Т. Оқим. Хорижий тўғри инвестицияларни жалб қилиш – ягона бозор дастурининг таркибий қисми // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2007. – № 4. – Б. 40-41.
11. Жўраев А.Т. Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 55-58
12. Жўраев А.Т. Европа Иттифоқи иқтисодиёти ҳамда Ўзбекистон билан савдо муносабатлари самарадорлигини ошириш масалалари // Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти: Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2007. – Б. 109-112.
13. Жўраев А.Т. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ташқи

савдосидаги асосий тенденциялар // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 173-175.

14. Жураев А.Т., Махмудова Н.У., Самиева Н.Ж. Теоретические аспекты применения механизма “единого окна” во внешней торговле // Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях: Тезисы докладов 20-х Международных Плехановских чтений. – Москва, 2007. – С. 231-232.

15. Жўраев А.Т. Европа Иттифоқи ташқи савдо ҳамкорлигининг асосий йўналишлари // Халқаро муносабатлар: Сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. – № 3. – Б. 43-49.

16. Жўраев А.Т. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан иқтисодий муносабатларини ривожлантириш йўналишлари // Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ва таъсирини бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари: Республика олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро: БухДУ, 2009. – Б. 176-178.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жураев Аббор
Туробовичнинг 08.00.11 – Хорижий мамлакатлар иқтисоди ихтисослиги бўйича
“Европа Иттифокининг иқтисодий – инвестицион имкониятлари ҳамда
Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг асосий
йўналишлари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: иқтисодий интеграция, рақобатбардошлик, ташқи савдо, тўғридан-тўғри инвестициялар, экспорт салоҳияти, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози.

Тадқиқот объектлари: яхлит ҳолда Европа Иттифоқи иқтисодиёти ҳамда ундаги иқтисодий жараёнлар.

Ишнинг мақсади: Европа Иттифоқи ташқи иқтисодий-инвестицион муносабатларидаги тенденцияларни, хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давридаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, илмий абстракция, тизимли ёндашув ва бошқ.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ЕИ иқтисодий интеграцияси тузилмавий элементлари тавсифланган ҳамда уларнинг ҳудуд иқтисодий-инвестицион имкониятларига кўрсатган таъсирини ўрганилган; ЕИ иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегиянинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини таҳлил қилинган ва шу асосда “иқтисодий рақобатбардошлик – аҳоли фаровонлиги” алоқасига янгича ёндашув таклиф қилинган; ЕИ ташқи савдо сиёсатининг асосий йўналишлари ўрганилган ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давридаги инвестицион фаолиятга тегишли уч хил сценарий прогнозлаштирилган; ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо муносабатларидаги тенденциялар тавсифланган; Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини таъсирини бартараф этиш дастурининг устиворликларига асосланган ҳолда, ЕИ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган; “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини ривожлантириш механизми таклиф қилинган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқотнинг натижалари, илмий-услубий хулосалари ва амалий таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда ундан кейинги даврларда Ўзбекистон Республикасининг ЕИ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигини ривожлантиришнинг маҳаллий, ҳудудий ва корпоратив дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, олий таълим соҳасида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: асосий таклиф ва тавсиялардан Бухоро вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (№ВХ-43/38-46, 10.03.2007).

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий мажмуаси.

РЕЗЮМЕ

диссертации Жураева Абнора Туробовича на тему: “Экономико-инвестиционные возможности Европейского Союза и основные направления развития экономического сотрудничества с Узбекистаном” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.11 – Экономика зарубежных стран

Ключевые слова: экономическая интеграция, конкурентоспособность, внешняя торговля, прямые инвестиции, экспортный потенциал, мировой финансово-экономический кризис.

Объекты исследования: Экономика Европейского Союза как единое целое и происходящие в ней экономические процессы.

Цель работы: разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по развитию торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества ЕС с Республикой Узбекистан на основе анализа основных тенденций в внешнеэкономико-инвестиционных отношениях Европейского Союза, в частности во время мирового финансово-экономического кризиса.

Методы исследования: сравнительный анализ, статистическая группировка, научная абстракция, системный подход и др.

Полученные результаты и их новизна: охарактеризованы структурные элементы экономической интеграции ЕС и изучены их влияние на экономическо-инвестиционный потенциал региона; анализировано влияние стратегии повышения конкурентоспособности экономики ЕС на благосостояние населения и на этой основе предложен новый подход к отношению “экономическая конкурентоспособность – благосостояние населения”; изучены основные направления внешнеторговой политики ЕС и прогнозированы три сценария, связанные с инвестиционной деятельностью в период мирового финансово-экономического кризиса; определены тенденции в торговых отношениях между ЕС и Узбекистаном; разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по повышению эффективности сотрудничества между ЕС и Узбекистаном, исходя из приоритетных направлений программы по преодолении последствий мирового финансово-экономического кризиса в условиях Узбекистана; предложен механизм развития бренда “Произведено в Узбекистане”.

Практическая значимость: результаты, научно-методические выводы и практические рекомендации могут быть использованы в деятельности Министерства внешних экономических связей, инвестиций и торговли, Министерства экономики Республики Узбекистан, при разработке национальных, региональных и корпоративных программ развития торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества Республики Узбекистан со странами ЕС во время и после мирового финансово-экономического кризиса, а также в сфере высшего образования.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные предложения и рекомендации диссертации были использованы в деятельности Управления внешнеэкономических связей, инвестиций и торговли Бухарской области (№ВХ-43/38-46, 10.03.2007).

Область применения: Внешнеэкономический комплекс Республики Узбекистан.

RESUME

Thesis of Juraev Abror Turobovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic sciences on speciality 08.00.11 – Economy of foreign countries, subject “Economic and investment opportunities of the European Union and ways of developing economic cooperation with Uzbekistan”

Key words: economic integration, competitiveness, external trade, direct investments, export potential, world financial-economic crisis.

Subjects of the enquiry: Economy of the European Union as a whole and economic processes in it.

Aim of the enquiry: to elaborate scientifically based suggestions and recommendations on developing trade-economic and investment cooperation between the EU and the Republic of Uzbekistan based on the analysis of main tendencies in economic development of the European Union, especially in the period of world financial-economic crisis.

Methods of inquiry: comparative analysis, statistical grouping, scientific abstraction, systematic approach etc.

The results achieved and their novelty: structural elements of the EU economic integration are characterised and their role on economic-investment potential of the region is defined; effect of the EU strategy on increasing competitiveness on population well-being is analysed and on this base new approach to “economic competitiveness – population well-being” is suggested; main directions of the EU external trade policy are described and three scenarios related with investment activities in the period of the world financial-economic crisis are forecasted; tendencies in trade relations between the EU and Uzbekistan are defined; scientifically based suggestions and recommendations for their solution and improvement of bilateral cooperation are elaborated, taking into account priority directions of program on decreasing outcomes of world financial-economic crisis in the conditions of Uzbekistan; mechanism of developing “Made in Uzbekistan” brand is offered.

Practical value: results, scientific-methodological conclusions and suggestions may be used in the activity of the Ministry of Foreign Economic Relations, Investment and Trade, the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan, in elaboration of national, regional and corporative programs of developing trade-economic and investment cooperation of the Republic of Uzbekistan with the EU states in the crisis and post-crisis period, and also in the higher education sphere.

Degree of embed and economic effectivity: main suggestions and recommendations of the dissertation were used in the activity of Bukhara regional department of foreign economic relations, investment and trade (№BX-43/38-46, 10.03.2007).

Field of application: Foreign economic complex of the Republic of Uzbekistan.

Тадқиқотчи _____ А.Т.Жураев